ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭКОТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Қодиров Азизжон Анварович
БухДУ тадқиқотчиси

Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро экотуристик хизматлар бозорида ўзининг ноёб экотуристик ресурсларга эгалиги, жумладан, ушбу соҳани ривожлантириш бўйича бой ва тўлиқ фойдаланилмаётган салоҳиятга эгалиги бўйича жаҳонда 10-15 ўринни эгалласа, Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллайди. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудида тўрт мингдан ортиқ тарихий, ноёб архитектура ва табиий ёдгорликлар мавжудлиги аниқланган. Шу билан биргаликда, мамлакатимиз табиатининг мафтункорлиг, тоғ тизмалари, йирик сув хавзалари, бой флора-фауна дунёси ва арид ландшафтларига эга эканлиги билан ажралиб туради.[1] Бу эса мамлакатимизнинг экотуристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга устуворлик қаратиш жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш заруриятини оширади. Пандемиядан кейинги даврда халқаро туристик оқим ҳажмида табиатнинг сўлим гўшалари, жумладан тоғ ёнбағирлари, сув бўйлари, табиат бўйлаб саёҳат қилиш ва шаҳар ҳаётидан ўзгача бўлган табиий қишлоқ ҳаётини яшаш истагида туристик саёҳатга чиқувчилар сонининг ортганлигини инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш орқали уни сердаромад соҳага айлантириш мумкинлигини англатади.

Мамлакатимиз амалиётида экотуризм жаҳоннинг бошқа мамлакатларида бўлгани сингари миллий туризм индустриясининг таркибий қисми ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-549-сонли «Туризм тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Қонунга мувофиқ, «туризм ташкил этилаётган турнинг ўзига хослиги, мавзуси, давомийлиги, ҳаракатланиш усуллари ва турнинг бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маданий-тарихий, зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, ишбилармонлик, ижтимоий, спорт, тиббий, ёшлар туризми, агротуризм ҳамда туризмнинг бошқа турларига бўлиниши мумкин»[2]лиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришда хусусий сектор вакилларига солиқ имтиёзи бериш бўйича қуйидаги ҳолатлар белгилаб берилган:

- етиб бориш қийин бўлган ва чекка жойларда (аҳоли яшаш пунктларидан камида 10 км ёки қаттиқ қопламали автомобиль йўлларидан 5 км узоқликда) кемпинглар ва «сафари» туризмини ташкил этиш бўйича туризм хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар алоҳида автоном инфратузилмани яратган тақдирда мазкур фаолият тури бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, айланмадан олинадиган солиқ тўлашдан;
- юридик шахслар, уларнинг лойиҳа ташкилотлари, бош пудратчи ва субпудратчи ташкилотлари жаҳон стандартларига мос ва зарур маданий кўнгилочар инфратузилмаларига эга гольф мажмуаларини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш доирасида фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан:

[1] Шамуратова Н., Азимова Д., Закирлаева Л. Тошкент вилоятининг экотуристик имкониятлари. 29.04.2020 й. URL: https://hidoyat.uz/37509
[2] Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги ЎРҚ-549-сон Қонуни, 18.07.2019 й. https://lex.uz/docs/4428097

лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қисми бўйича ижтимоий солиқдан;

лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган товарларни, шу жумладан «вақтинча олиб кириш» божхона режимида олиб киришда божхона божи ва акциз солиғидан;

- намунавий лойиҳалар бўйича замонавий санитария-гигиена шохобчаларини қуриш ва (ёки) уларнинг фаолиятини ташкил этишни амалга оширувчи юридик шахслар мазкур фаолият тури бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан озод этиш[3]

Бугунги кунда мамлакатимизда 90 та хорижий мамлакатлар фуқаролари учун визасиз режим жорий этилган бўлиб, икки томонлама халқаро шартномалар ва тенглик асосида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) иштирокчилари учун, хусусан 10 та давлат, Озарбойжон Республикаси, Грузия, Арманистон Республикаси, Беларус Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Украина (чекланмаган), Қирғизистон Республикаси (60 кунгача) ва Тожикистон Республикаси (30 кунгача) билан икки томонлама визасиз режим ўрнатилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига 30 кун муддатга бир марталик, икки марталик ва кўп марталик кириш учун “e-visa.gov.uz” портали орқали “E-VISA.UZ” тизими ёрдамида электрон визани расмийлаштиришлари ва олишлари мумкин бўлиб, бу хизматдан фойдаланиш учун тўлов миқдори қуйидаги тартибда ўрнатилган:

- 50 АҚШ долл. – кўп марталик;
- 35 АҚШ долл. – икки марталик;
- 20 АҚШ долл. – бир марталик.[4]

Республикамиздаги 9 та қўриқхона, 2 та миллий боғ, 9 та давлат буюртмалари, «Жайрон» экомаркази, ноёб табиат ёдгорликлари жуда катта экотуристик потенциалга эга. Ўзбекистон иқлими, об ҳавоси йил давомида дам олиш ва экотуризмни ривожлантириш учун қулайлиги билан ажралиб туради. Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ўзларининг тоғ ландшафтлари, ғорлари, тоғ сойлари ва шаршаралари, булоқлари, кўллари, музликлари билан экотуризм марказларига айланишлари мумкин. Ўртача баландликдаги ва баланд тоғларимизда ёзда ҳароратнинг водийларга нисбатан 5-10 (ҳарорат) паст бўлиши, қишининг жуда ҳам совуқ эмаслиги, қалин қор қопламини вужудга келиши бу ҳудудларимиздан йил давомида экотуризм мақсадларида фойдаланиш имкониятини беради.[5]

Экотуризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасида фаолият олиб борувчи халқаро ташкилотлар томонидан Марказий Осиё мамлакатларида экотуризмни инвестициялаш борасида турли дастурлари амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Қозиғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонда жами 11 та «туристик қишлоқ»ларни ривожлантириш бўйича инвестицион дастурлар амалга оширилмоқда. Ушбу инвестицион дастурларнинг учтаси Ўзбекистон ҳудудига тўғри келиб улар Тошкент вилоятининг Бурчмулла, Чимён ва Хумсон қишлоқлари ҳисобланади. Шу билан биргаликда, Имом ота, Гараша, Лангар, Ширмонбулоқ, Ўриклисой, Оқсув, Пишоғор, Синтоб, Нанай, Қайнар, Ғова, Айдаркўл, Мачай, Чодак, Омонқўтон, Ахси, Сижжак, Сўқоқ, Кумушкон, Шохимардон, Водил каби қишлоқ ва махаллаларда ҳам «туристик қишлоқ» ва «туристик махалла» дастурлари доирасида экотуристик хизматлар кўрсатиш амалиётини ривожлантириш салоҳияти юқори ҳисобланади.

---

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5781-сон фармони, 13.08.2019 й. https://lex.uz/ru/docs/4474527

[4] Отажонова Б. Ўзбекистонда виза режининг соддалаштирилиши туризм соҳаси олдида мисли кўрилмаган имкониятларни очди. / Янги Ўзбекистон газетаси электрон портали – Туризм. 06.04.2021 й. URL: https://yuz.uz/news/ozbekistonda-viza-rejimining-soddalashtirilishi-turizm-sohasi-oldida-misli-korilmagan-imkoniyatlarni-ochdi

[5] Шамуратова Н., Азимова Д., Закирлаева Л. Тошкент вилоятининг экотуристик имкониятлари. 29.04.2020 й. URL: https://hidoyat.uz/37509



1-расм. Ўзбекистон вилоятлари кесимида экотуризмни ривожлантириш салоҳияти юқори бўлган ҳудудлар сони, бирликда[6]

Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда экотуристик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича юқори салоҳиятга эга бўлган ҳудудлар сони Жиззах (43 та) ва Бухоро (17 та) вилоятларида республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан кўплиги билан характерланса, Қорақолпоғистон Республикаси (2 та), Қашқадарё (3 та) ва Сурхондарё (3 та) вилоятларида эса аксинча, бу турдаги ҳудудлар сони кам ҳисобланади (1-расмга қаранг).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фақатгина Бухоро вилоятидаги жами 17 та экотуристик хизматлар кўрсатиш салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг 15 тасида йўл инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси ўрта даражада бўлса, қолган ҳудудлар ва республиканинг бошқа вилоятларидаги экотуризмни ривожлантириш бўйича юқори салоҳиятга эга бўлган ҳудудлардаги йўлларнинг ҳолати қониқарли ва ундан паст даражада ривожланган. Ушбу ҳолат экотуристлар учун саёҳат қилишда муаммоларни вужудга келишига олиб келиши мумкин бўлади.

Таҳлилларга кўра, мамлакатимиз экотуризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ушбу соҳани барқарор ривожланишига эришишда қуйидаги имкониятларга эга ҳисобланади:

- шаҳар ва қишлоқ жойлари ўртасидаги тафовутларнинг юқорилиги. Жумладан, шаҳар билан қишлоқ жойларида яшаш ва овқатланиб билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги нисбатаан 2-2,5 мартага фарқ қилади. Яъни, қишлоқ жойларда бу турдаги харажатлар сезиларли даражада арзон;
- қишлоқ жойларининг экологик жиҳатдан шаҳарга нисбатан ҳавосининг тозалиги ва кенг турдаги истеъмол маҳсулотларининг мавжудлиги. Ушбу ҳолат халқаро экотуристларни хақиқий қишлоқ хаётидан баҳраман бўлиш имкониятини оширади;
- қишлоқ жойларида миллий ва маданий мероснинг сақланиб қолинганлиги. Жумладан, махаллий урф-одатлар, миллий ҳунармандчилик, учтачилик билан туристларнинг яқиндан танишиш ва ушбу жараёнларни кузатиш билан биргаликда унда иштирок этиш имкониятини мавжудлиги.
- Шунингдек, мамлакатимиз экотуризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қуйидаги муаммолар мавжуд эканлиги аниқланди:
- республика бўйича инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги;

[6] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3514-сон қарорига 2-илова. 07.02.2018 й. URL: https://lex.uz/docs/3551112 маълумотлари асосида тузилган.

- экотуристик хизматлар бозорида ишчи кучининг етарли даражадаги экологик маданияти шаклланмаганлиги, жумладан, кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларининг пастлиги;
- мамлакатнинг экотуристик объектлари бўйлаб экотуристик маршрутларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;
- махаллий аҳолини, жумладан, хусусий сектор вакилларини экотуристик хизматлар кўрсатиш соҳасига жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигининг пастлиги;
- экологик муаммоларнинг авж олиши билан биргаликда атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши курашиш бўйича ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги ва ҳ.к.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шамуратова Н., Азимова Д., Закирлаева Л. Тошкент вилоятининг экотуристик имкониятлари. 29.04.2020 й. URL: https://hidoyat.uz/37509
2. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги ЎРҚ-549-сон Қонуни, 18.07.2019 й. https://lex.uz/docs/4428097
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5781-сон фармони, 13.08.2019 й. https://lex.uz/ru/docs/4474527
4. Отажонова Б. Ўзбекистонда виза режининг соддалаштирилиши туризм соҳаси олдида мисли кўрилмаган имкониятларни очди. / Янги Ўзбекистон газетаси электрон портали – Туризм. 06.04.2021 й. URL: https://yuz.uz/news/ozbekistonda-viza-rejimining-soddalashtirilishi-turizm-sohasi-oldida-misli-korilmagan-imkoniyatlarni-ochdi
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3514-сон қарори. 07.02.2018 й. URL: https://lex.uz/docs/3551112 маълумотлари асосида тузилган.